

ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Усиление конкуренции в последние годы, в промышленных отраслях на мировых рынках, а также повышение спроса на товары с высокой степени инновационности усиляет необходимость интенсивного развития отраслей национальной промышленности. Основное внимание в исследовании уделено анализу доли добавленной стоимости в промышленных отраслях. Прояснена оценка в доли добавленной стоимости валового промышленного производства по степени развитости промышленных отраслей и причины разности доли добавленной стоимости в отраслях.


Increased competition in recent years, in world industries, as well as increased demand for products with high degree of innovation amplifies the need for intensive development of national industry. Main attention is given in recent studies on the analysis of the value added industries. It clarified the evaluation in the gross value added of industrial production in the degree of development of the industry and of the reasons for the difference between the value added industries.

Калим сўзлар: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи саноат маҳсулоти (ЯСМ), саноатда яратилган қўшилган қиймат (СЯҚҚ), оралиқ истеъмол, моддий ва номоддий харажатлар.

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижаси, айниқса, муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар ўсиш суръатларининг аҳоли ўсиш суръатларидан юқорилиги билан тавсифланади. Хусусан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ва ялпи саноат маҳсулоти каби макроиқтисодий кўрсаткичлар шулар жумласидандир[1].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айрим йилларда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) суръатларига нисбатан ялпи саноат маҳсулоти (ЯСМ) суръатларининг юқорилиги ҳам кўзга ташланади. Иккинчи томондан, саноат тармоғида яратилаётган қўшилган қиймат суръатларининг мамлакат ЯИМ суръатидан паст бўлиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида яратилаётган қўшилган қиймат суръатларининг саноат ишлаб чиқаришдагига нисбатан юқорилиги билан изоҳланади (1-расм). Саноатда ялпи қўшилган қийматни ташкил этган саноат тармоқларининг улушини таҳлил қилиш асосида тармоқларда самарадорлик даражасини янада тўлиқроқ ўрганиш зарурати вужудга келади.

Мамлакатимиз ЯСМ ва саноат ишлаб чиқаришида яратилган ялпи қўшилган қиймат таркибида тармоқлар улушининг солиштирма таҳлили шуни кўрсатадики, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, бевосита саноатда ялпи қўшилган қиймат таркибидаги силжишларга олиб келган.



1-расм. Ялпи ички маҳсулот, ялпи саноат маҳсулоти ва саноатда яратилган қўшилган қийматнинг қўшимча ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жумладан, ёқилғи саноатининг 2000 йилдаги ЯСМ ва саноатда яратилган қўшилган қийматдаги улуши мос равишда 15,3 % ва 16,2 %ларни ифода этган бўлса, 2012 йилга келиб, мазкур тармоқ кўрсаткичлари 17,5 % ва 21,4 %ларни ташкил этди. Шунингдек, рангли металлургия саноатининг 2000 йилдаги ЯСМ ва саноатда яратилган қўшилган қийматдаги (СЯҚҚ) улуши мос равишда 10,2 % ва 14,7 %ларни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 10,4 % ва 32,3 %ларни ташкил этди (1-жадвал) [2].

ЯСМ ва СЯҚҚ кўрсаткичлари ўртасидаги фарқнинг **“нолдан катта”** бўлиши, мазкур тармоқларда мамлакат саноатида яратилган ялпи қўшилган қиймат ўртачасига нисбатан юқори қўшилган қиймат яратилганлигини, **“нолдан кичик”** кўрсаткич эса, тескари ҳолатни ифода этади.

Шунингдек, айрим тармоқларда ЯСМ ва саноатда яратилган ялпи қўшилган қийматда тармоқлар улушининг динамик ўзгаришлари солиштирма таҳлиliga кўра, назарда тутилаётган йиллар давомида саноат ишлаб чиқаришда мамлакат СЯҚҚнинг ўртача кўрсаткичларидан паст натижаларга эришилган. Жумладан, 2000 йилда кимё ва нефть кимёси саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш ҳамда енгил саноат тармоқлари ишлаб чиқаришида мамлакат СЯҚҚнинг ўртача кўрсаткичидан паст натижаларга эришилган бўлса, 2006 йилда дастлабки тармоқ сафига электр энергетикаси тармоғи ҳам қўшилди.

Айтиш жоизки, мазкур жараёндаги салбий ҳолат шундан иборатки, ЯСМ ва СЯҚҚ таркибида тармоқлар улуши ўртасидаги фарқ айнан саноатдаги ялпи

қўшилган қийматнинг ўртача улушидан паст, яъни манфий кўрсаткичга эга тармоқлар кенгайган.

1-жадвал

Ялпи саноат маҳсулоти ва саноатда яратилган ялпи қўшилган қийматда тармоқлар улуши (% ҳисобида)

Саноат тармоқлари	2000 й.		Ўзгариш (%)	2006 й.		Ўзгариш (%)	2012 й.		Ўзгариш (%)
	ЯСМ улуши	СЯҚҚ улуши		ЯСМ улуши	СЯҚҚ улуши		ЯСМ улуши	СЯҚҚ улуши	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Электр энергетикаси	8,5	9,1	0,6	10,0	9,3	-0,7	8,0	6,9	-1,1
Ёкилиги	15,3	16,2	0,9	17,0	19,9	2,9	17,5	21,4	3,9
Қора металлургия	1,2	1,8	0,6	2,3	2,6	0,3	2,6	1,8	-0,8
Рангли металлургия	10,2	14,7	4,5	18,5	26,2	7,7	10,4	32,3	21,9
Кимё ва нефть кимёси	5,7	4,7	-1,0	4,8	4,4	-0,4	5,5	3,1	-2,4
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	9,8	8,8	-1,0	13,8	9,6	-4,2	16,1	8,4	-7,7
Ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза – қоғоз	1,4	1,9	0,5	0,8	1,0	0,2	1,1	0,9	-0,2
Қурилиш материаллари	5,4	5,6	0,2	4,2	4,6	0,4	5,3	5,1	-0,2
Енгил саноат	19,1	15,1	-4,0	14,6	9,4	-5,2	13,5	6,4	-7,1
Озиқ-овқат саноати	13,2	13,3	0,1	8,9	9,3	0,4	13,9	10,5	-3,4
Бошқалар	10,2	8,8	-1,4	5,1	3,7	-1,4	6,1	3,2	-2,9
Тармоқлар бўйича:	100	100	X	100	100	X	100	100	X

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

2000 йилда кимё ва нефть кимёси, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш ҳамда енгил саноат тармоқларида юқорида кўрсатилган фарқ мос равишда манфий 1,0 % ва 4,0 % ли “нуқталар”ни ифода этган бўлса, 2006 йилда улар мос равишда манфий 0,4 %, 4,2 % ҳамда 5,2 % ли “нуқталар”ни ташкил этди.

2000-2012 йилларда кимё ва нефть кимёси, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш ҳамда енгил саноат тармоқларининг юқоридаги кўрсаткичларини доимий равишда “нолдан кичик” кўрсаткичларга эга бўлиши, мазкур тармоқларни нисбатан самарадорлиги паст тармоқлар сирасига киритиш учун асос бўла олади.

Таъкидлаш лозимки, тармоқларда қўшилган қиймат улушининг турлича бўлиш сабаблари ҳар хил. Жумладан, жаҳон ва мамлакат ички бозорларида саноат маҳсулотлари баҳосининг ўзгарувчанлиги ва унга бўлган талабнинг беқарорлиги, ишлаб чиқаришнинг технологик ва техник қуролланиш жиҳатдан

фарқ қилиши ва бошқа шу каби бир қатор омиллар саноат тармоқларида турлича қўшилган қиймат яратилишига сабаб бўлади [3].

Ўз навбатида, саноат тармоғида ишлаб чиқарилган маҳсулот баҳоси, эркин бозор шароитида шаклланади. Маҳсулот баҳоси ва уни ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар ўртасидаги фарқ, муайян вақт оралиғида турлича бўлади. Бу, бир томондан, саноат маҳсулотларига талаб ва баҳонинг ўзгариши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, турли тармоқлар технологик ва техник курулганиш даражасининг турличалигидадир.

Юқоридагилардан ташқари, қўшилган қиймат шаклланишида оралик истеъмол жуда катта роль ўйнайди ва у ишлаб чиқаришга кетган хомашё, электр энергияси, маҳсулотни етказиб бериш ва бошқа ёрдамчи моддий харажатларини ўзида ифода этади. Янада кенгроқ қарайдиган бўлсак, оралик истеъмол қуйидаги элементлардан ташкил топади [4]:

- моддий харажатлар;
- номоддий хизмат учун тўловлар;
- сафар ва меҳмонхона харажатлари;
- оралик истеъмолнинг бошқа харажатлари.

Моддий харажатларга товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган меҳнат буюмлари, яъни: хомашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулот ва деталлар, ёқилғи ва энергиянинг барча турлари, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлар, корхонанинг транспорт хизматлари, алоқа ва ҳисоблаш марказлари хизматлари, ўраш материалларининг қиймати, ходимлар учун зарурий ускуналар, иш кийимларига харажатлар ва бошқалар киради.


Номоддий хизматлар учун тўловларга эса, товар сифатини текшириш учун тўловлар, илмий текшириш ва тажриба ишлари учун тўловлар, молиявий воситачиларнинг хизматлари учун тўловлар, суғурта тўловлари, корхона учун зарур мутахассислар тайёрлаш ва ходимларни қайта тайёрлаш учун ўқув муассасаларига тўловлар, бино, иншоот, машина ва асбоб-ускуналар ижараси учун тўловлар, реклама харажатлари, товар ишлаб чиқариш учун рухсатномаларга тўловлар, ёнғиндан сақлаш ва қоровуллик хизматлари учун тўлов ва бошқалар киради.

Шунингдек, **сафар ва меҳмонхона харажатларига** йўл харажатлари, меҳмонхона харажатлари, яъни овқатланиш ва маиший хизматлар ҳамда меҳнат ҳақи киритилади.

Мамлакатимиз саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган **ёқилғи харажатларининг** таҳлилига кўра, электр энергетикаси, қурилиш материаллари, кимё ва нефть кимёси саноатида мазкур харажатнинг улуши юқорилиги билан тавсифланади. Жумладан, электр энергетика тармоғида ёқилғи харажатлари 2000 йилда жами харажатларнинг 60,2 %ни, 2006 йилда 56,5 %ни ҳамда 2011 йилда 65,0 %ни ташкил этган [5].

Қурилиш материаллари саноатида мазкур кўрсаткич мос равишда 9,2 %, 13,1 % ҳамда 13,4 %ни ташкил этган бўлса, кимё ва нефть кимёси саноатида эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 3,3 %, 2,5 % ва 3,6 %ларни ташкил этди.

Шунингдек, саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган энергия харажатларида кимё ва нефть кимёси, қора металлургия ҳамда қурилиш материаллари саноатининг салмоғи юқорилиги билан тавсифланади. Жумладан, 2011 йилда мазкур кўрсаткич кимё ва нефть кимёси саноатида жами харажатларнинг 22,9 %ни, қора металлургияда 5,8 %ни ҳамда қурилиш материаллари саноатида 9,5 %ни ташкил этган.



2-расм. Саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатларда ёқилғи ва энергиянинг улуши (% да)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Демак, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, саноат ишлаб чиқариши ривожланишини фақат ялпи маҳсулот ҳажми ўсиши негизда қуриш, мазкур тармоқнинг истиқбол йўналишини белгилашда бир томонлама ёндашишга олиб келади. Саноат ишлаб чиқаришининг истиқбол йўналишини белгилашда саноат ялпи маҳсулотини эмас, балки ушбу тармоқларда яратилиши мумкин бўлган қўшилган қиймат ҳажмини башоратлаш методологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, саноат сиёсатининг стратегик йўналишини белгилаш, айнан қўшилган қиймат улуши юқори бўлган тармоқларга устуворлик беришни тақозо этади. Шунинг учун саноатнинг ривожланишини баҳолашда тармоқларни қўшилган қиймат улушлари бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, саноат тармоқларини ялпи ишлаб чиқаришда қўшилган қийматнинг салмоғи бўйича 4 гуруҳга ажратдик.

Жумладан, **биринчи гуруҳ**, саноат тармоқлари ялпи ишлаб чиқаришда қўшилган қийматнинг салмоғи 15 %дан 25 %гача бўлган тармоқларни ўз чегара доирасига қамраб олган бўлса, **иккинчи гуруҳ** саноат тармоқлари ялпи ишлаб чиқаришида қўшилган қийматнинг салмоғи 25 %дан 35 %гача бўлган тармоқларни ўз ичига қамраб олади.

Шунингдек, **учинчи гуруҳ**да саноат тармоқлари ялпи ишлаб чиқаришда қўшилган қийматнинг салмоғи 35 %дан 40 %гача бўлган тармоқлар ўрин эгаллаган бўлса, **тўртинчи гуруҳ**га эса, ялпи ишлаб чиқаришда қўшилган қийматнинг салмоғи 40 %дан юқори бўлган тармоқлар гуруҳи киритилган (2-жадвал).

2-жадвал

Саноат ялпи ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат салмоғи бўйича саноат тармоқларининг гуруҳланиши

Саноат ялпи ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат салмоғи 15 % дан 25 %гача бўлган тармоқлар	Саноат ялпи ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат салмоғи 25 %дан 35 %гача бўлган тармоқлар	Саноат ялпи ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат салмоғи 35 %дан 40 %гача бўлган тармоқлар	Саноат ялпи ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат салмоғи 40 %дан юқори бўлган тармоқлар
Кимё ва нефть кимёси, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, енгил саноат	Қора металлургия, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат саноати, электр энергетикаси	Ёқилғи, ёғочни қайта ишлаш саноати	Рангли металлургия

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Гуруҳлаш натижаларига кўра, саноат ялпи ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат салмоғи 15 %дан 25 %гача бўлган тармоқлар сони 2000 йилда 6 тани ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб, мазкур кўрсаткич 3 тани ташкил этди. Шунингдек, саноат ялпи ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат салмоғи 25 %дан 35 %гача бўлган тармоқлар сони 2000 йилда 5 тани ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб, мазкур кўрсаткич 4 тани ташкил этди.

Бундан ташқари, саноат ялпи ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат салмоғи 35 %дан 40 % ача бўлган тармоқлар сони 2000 йилда 1 тани ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб мазкур кўрсаткич эндиликда 2 тани ташкил этди.

Таъкидлаш лозимки, 2000 йилда саноат ялпи ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат салмоғи 40 %дан юқори бўлган тармоқлар мавжуд бўлмаган. 2011 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 1 та тармоқни ташкил этди.

Демак, гуруҳлаш натижаларига кўра, кейинги йилларда саноат ялпи ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат салмоғи ошиб бораётган тармоқлар сони кенгаймоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, таҳлилий натижаларга кўра, енгил саноат нисбатан паст қўшилган қиймат яратувчи тармоқлар сирасига кирмоқда. Шунинг учун мамлакатимизда мазкур тармоқ ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш учун ушбу тармоққа инвестицияларни жалб этиш борасида нисбий устунликлар бериш лозим.

Саноат тармоқларида яратилаётган қўшилган қиймат ва оралиқ истеъмол нисбатларида кейинги салмоқнинг катталиги мазкур тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқаришдаги материал сиғимини камайтиришни тақозо этади. Мазкур масаланинг умумий ечими сифатида импорт қилинаётган хомашё маҳсулотларининг мамлакатимизга кириб келиш харажатларини камайтириш, бу борада ташқи савдони янада эркинлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз турли минтақаларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда саноат кооперациясини кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Саноат сиёсатининг стратегик йўналишини белгилашда, биринчи навбатда техник ва технологик жиҳатдан қолоқ ишлаб чиқаришларни бартараф этишга, иккинчидан, миллий корхоналарни замонавий, сўнгги техник ва технологик ютуқлардан фойдаланган ҳолда жиҳозлашга асосий эътибор қаратиш лозим. Бу, бир томондан, тармоқларда яратилаётган қўшилган қиймат улушининг яқинлашишини таъминласа, иккинчи томондан саноат маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990 - 2010 гг.) и прогноз на 2011 – 2015 гг. Стат. Сб. – Т. Узбекистан, 2011. - с. 70-71.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари – www.stat.uz.
3. Киреев А.П. Международная экономика. В 2- х ч. - Ч.І. Международная микроэкономика: движение товаров и факторов производства. Учебное пособие для вузов. – М., 2006. - с. 285 - 290.
4. Набиев Ҳ. Саноат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. 16 б.
5. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т, 2012. - 216 б.